

### Аудитор жавобгарлиги

Биз томонимиздан ўтказилган аудит текшируви молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларида, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халқаро стандартига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар этикавий меъраларга амал қилинишини талаб қилган ҳолда, шунингдек аудит текширувини режалаштириш ва ўтказишда молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилинишини талаб қилади.


Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги рақам кўрсаткичларини ишончлилигини тасдиқлаш ва ундаги маълумотларни аудиторлик исботлаш орқали ёритилишини ўз ичига олади. Эътиборсизлик ёки хатолик оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш ҳолатлари содир этилганда, аудиторни таваккалчилиги, иш тартибини танлаши аудиторни юқори малакалилигига боғлиқ. Ушбу таваккалчиликни баҳолаш жараёнида аудитор шароитдан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботни тузилиши ва ҳаққонийлиги учун ички назорат тизимини самарадорлигига ташаккур билдириш фикрида эмас, балки ички назорат тизимини бажарадиган ишига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, аудит текшируви аудиторлик текширувидан ўтказилаётган ташкилотда қабул қилинган ҳисоб сиёсатини яналишини ва бухгалтериясини асослилигини ҳамда тақдим қилинган молиявий ҳисоботини умумий баҳолайди.

Биз томонимиздан олинган аудиторлик маълумотлар ушбу молиявий ҳисоботнинг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттирилишига ишонарли ва етарли асос беради.

### Хулоса

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "Elektrokimyozavod" қўшма корхона акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботнинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халқаро стандарти талабларига мувофиқ келади.

МЧҲ shaklidagi «Afrosiyob audit standart»  
auditorlik tashkiloti директори ва аудитори:



Ў.Очилов

25. Март 2019 йил.